

IN THE POETRY OF MINHOJIDDIN MIRZO HOMELAND SUBJECT

Salimjon Ganiev,

School No. 53 in Shymkent, Uzbek language and
Literature teacher

(Kazakhstan)

Hulkar Khamroeva

Uzbek State Academy of Choreography
Senior teacher, Ph.D.
(Uzbekistan)

Annotation: This article discusses the theme of patriotism in the works of the famous poet Minhojiddin Mirzo.

Keywords: Motherland, Shirak, will, Uzbekistan, blessed title, freedom of heart.

МИНХОЖИДДИН МИРЗО ШЕЪРИЯТИДА ВАТАН МАВЗУСИ

Салимжон Ганиев,

Чимкент шаҳридаги 53- мактаб ўзбек тили ва
адабиёти ўқитувчisi
(Қозоғистон)

Ҳулкар Ҳамроева

Ўзбекистон давлат хореография академияси
катта ўқитувчisi, ф.ф.н.
(Ўзбекистон)

Аннотация. Мазкур мақолада таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо ижодидаги ватанпарварлик мавзуси талқин қилинади.

Калит сўзлар: Она юрт, Широқ, эрк, Ўзбекистон, муборак унвон, қалб озодлиги

Ҳар бир давр ва жамиятнинг белгиланган ижтимоий-сиёсий тамойиллари каби адабиётнинг ҳам ўзига хос бадиий-эстетик талаблари мавжуд. Тўғри, ижодкор ўзи англаган ва акс эттироқчи бўлган воқеликни турли шаклларда, ҳар хил услубларда ифодалаши мумкин. Яъни, бадиий тафаккур ва нутқ билан боғлиқ руҳий-психологик жараён ҳар бир шоир ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Зоро, “Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъоддлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини тасвирлайдилар”¹.

Серқирра истеъодд соҳиби - таниқли шоир, таржимон ва публицист Минҳожиддин Мирзо асарларининг бош мавзусини “ўхшashi йўқ гўзал бўстон” (Ҳ.Олимжон) Ватанга муҳаббат ва садоқат ташкил қиласди. Қалбдан бошланиб, жаннатларга туташиб кетган меҳр водийси Ватан деб аталади. Шоирнинг “Ватан надур” шеъри мустақилликдан олдин, 1990 йилда ёзилган

¹ Арасту. Поэтика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 20.

Ватан надур, сўнмаган
Ёрқин юлдуз – қароқдур.
Бош эгишга кўнмаган,
Ватан – жасур Широқдур.

Шоирнинг бутун ижодида ноҳақликка “бош эгмаган”, қалб озодлигини, эркни ҳамма нарсадан устун қўйгувчи исёнкор шахснинг юрак зарблари эшитилиб туради. Фарзандининг гўдаклигига бешик, болалигига ойдин орзуларига осмон бўлган, улуғ аждодлар мангуга қўним топган ота макон, табаррук тупроқ...

Ким бор уни суймаган,
Фурқат эмас, куймаган,
Шоҳ Бобурни қийнаган,
У – муборак титроқдир.

Ватан — муборак калом, тилга олганимизда вужудимизга титроқ киради. Шоир айтганидек, неча асрлар, замонлар ўтмасин, халқимиз онгу-шууридаги Ватан туйғуси, меҳр-оқибат, иймон ва инсоф, инсонпарварлик каби қадриятлар мангуликка дахлдор бўлиб яшайверади, яшнайверади. Биздан кейинги авлодларга ҳам ўтади:

У бор юрак зарбида,
Ким ўтмади дардида,
Мангуберди қалбида,
Зангламаган яроқдур.
Ким билмас юрт ошёнин,
Билмас қонин – имконин,
Тополмабди оромин,
Бор ҳаёти сўроқдур...

Бу ерда масаланинг яна бир қанча объектив ва субъектив сабаблари ҳам мавжудлигини унутмаган ҳолда, бадиий тафаккур ифодасига йўл очган асос учун ўтмиш ва бугуннинг уйғунлашуви муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ижодкорнинг мозийдан таъсирланиши унинг ички оламида аксланиб, юрт ҳақидаги қўйма сатрларнинг туғилишига сабаб бўляпти. Бир хил деталь ёки воқеа-ходиса ҳар бир шоирга ўзига хос кўринишда таъсир этади. У англаган, хабардор этмоқчи бўлган нутқ бирлиги қалб туғёнлари ва эҳтиросларига қоришиб, индивидуал шаклда қофозга тушади. Шу нутқтай назардан “Ватан надур” деган иборанинг ўзиёқ китобхонни мушоҳадага унрайди. Фикрлаётган инсон ҳаёт сўроқларининг моҳиятини тушунишга интилади. Интилиш мақсадга айланиб, унинг бутун борлигини қамраб олади. Ҳақиқий шеърда воқелик, мавзу ва лирик кечинма табиатан ўзаро боғлиқ унсурлар бўлиб, шоир маҳоратини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади.

Айниқса, шеърий шакл ва жанрнинг юзага келишида ички кечинма ва тафаккур асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Аслида шеърнинг яралиш жараёни, яъни борлиқни ҳиссий англаш ва ундан олган таассуротни бошқаларга етказиш истаги инсоният фикрлашни ўрганган даврдан бери мавжуддир. Узоқ тараққиёт давомида бу жараён эпик ифода, драматик ифода, паремик ифода, лирик ифода каби турларга ажратилди². Улар орасида лирик ифода алоҳида ўрин тутади. Минҳожиддин Мирзонинг “Кутиш”, “Беором тун”, “Она замин дуоси”, “Уйғониш изтироби”, “Кўнглимда йиғлаган малаклар”, “Мен билган дунё”, “Сен буюк қалбсан”, “Озодлик нафаси”, “Муборак унвон”, “Ўзбекистон”, “Андижон бу – сизсиз онажон”, “Видо” каби шеърларида шоирнинг қалб қўри, дил кечинмалари, юрагидаги миллий ғурур акс этган

² Саримсоқов Б. Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар. // Ўзбек адабий танқиди: антология. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 298-309.

Эътибор қилинса, шоир юрт қадрининг инсон ҳаётидаги аҳамияти кенг ва улканлигини таъкидлар экан, ватаннинг ўтмишига, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби даҳо ижодкорлар – халқ миллий қаҳрамонларининг увол кетган умрларига ишора қиласди. Демак, ватан туйғуси шеърнинг нисбатан барқарор компоненти, бош ўзаги ҳисобланиб, аввало, асар мавзуси, сўнгра, бадиий матн билан ўзаро боғлиқликда намоён бўляпти. “Видо” шеъри ўзбекнинг эрта сўнган юлдузи – Усмон Носир хотирасига бағишлиланган:

Ўтган кунларимдан ризо бўл, кўнглим,
Гоҳ очилдинг, гоҳида сўлдинг.
Гоҳ ирмоқдай сингдинг саҳрого,
Гоҳ уммондай лиммо-лим тўлдинг.
Гоҳ кўзларим ойга боқсанда
Шуълаларга айланиб ёндинг.
Ўзинг тўқиб ажиб эртаклар,
Ўзинг яна унга ишондинг.

Минг афсуски, Усмон Носирнинг шоирлик қисмати ўзбек адабиётидаги энг фожиали тақдирлардан бири. Унинг энди очилганида мажбуран сўлган, беғубор ирмоқдай тошганида саҳрого сингиб кетган истеъдоди эртак мисол адабиёт муҳлисларига армон бўлиб қолди. Муаллиф Усмон Носир дилида кетган дарднинг, ҳасрату изтиробларнинг суратини ниҳоятда ишонарли чизади:

Эҳ, барчаси ўткинчи энди,
Бунча шошар ирмоқдай умрим.
Тунда юлдуз бўлиб уйғонсан,
Ҳаётимдан ризо бўл, кўнглим.

Усмон Носир табаррук тупроқ ва Ватаннинг қадрини англаған, англаб, юрак-юрагидан ардоқлаган, ардоқлаб севган, севиб фидойилик кўрсатган ва эрта сўнган юлдуз мисол Ватаннинг қора булутлар қоплаган осмонига сингиб кетди. Шеърдаги ўтли сўзларнинг ҳарорати ўқувчини ўзига ром этади.

Минҳожиддин Мирзонинг истиқлолнинг ilk кунларида ёзилган “Ўзбекистон” шеърида шу таъсирchan руҳнинг мантиқий давомини кўрамиз:

Кишинларинг узилган кеча,
Уйғонди-ку бир бутун олам.
Чўлпонларнинг саси эдиму,
Овоз келди: “Бардам бўл, болам!”
Кодирийда қийналган жонсан,
Энди озод Ўзбекистонсан!

Шеърият энг таъсирchan ва синалган тарбия усусларидан биридир. Минҳожиддин Мирзонинг ўзбекнинг миллий ғурури рамзига айланган оловқалб фарзандлари ҳақидаги фикрчан сатрлари ўқувчининг онгу-шуурига шундай кучли таъсир кўрсатади. қалбидан жой олади. Дарҳақиқат, шоир мозийга мурожаат орқали асар мазмунига даҳлдор бўлган инсон, оила, Ватан, ор-номус, миллий ўзлик каби туйғуларни лирик кечинмалар сифатида тасвирлайди ва ўзи кўрган, англаған воқеликни бадиий-эстетик жиҳатдан баҳолайди, талқин этади. Бунда муаллиф ўз маҳорати ва тафаккурига таяниб, матнга тайёр бадиий конструкцияларини олиб киради ёки кечинмалар оқимида асар марказига чиқади ва шеър моҳиятини белгилайди. Улар катта эзгу мақсадлар билан самимий тарзда ифодаланар экан, ўз ор-номуси ва fazilatlarini saqlagan holda, bizning vatan ўтмиши тўғрисидаги tasavvurlarimizni boyitadi:

Қайтмади лек улар ортига
Занжирларни узмоқ бўлдилар.
Қаҳратонда очилган гулдай,
Эрта гуллаб, эрта сўлдилар.

Бу кун келиб ёришган тонгсан,
Сен муборак Ўзбекистонсан!

Шоир тарих ҳақиқатига бадиий-эстетик жиҳатдан ёндашади. Яъни, мазкур шеърлардаги ватанга муҳаббат ва садоқатни, фарзандлик бурчини англатувчи кечинманинг романтикага яқинлиги, лирик қаҳрамоннинг ҳаётий мушкулотларни, юрт озодлиги йўлида учраган қийинчиликларни енгишга, истибодод занжирларини узган улуғ аждодлардан мерос миллий ғурур мезонлари билан яшашга интилиши унинг олам ва одамга муносабатини ифодалайди. Шоирнинг ўтмиш воқелигини тасвирлашда оламни янгича нигоҳ билан қўришини, мавзуга янгича ёндашишини асослайди. Бу тутғёнлар ўқувчини ҳам юксак идеаллар сари ундаиди:

Йиллар қилиб бўлган ишини
Эрк нелигин англамас гоҳи.
Ватан ҳиссин уйғотолмаган
Шоирларнинг буюк гуноҳи.
Уйғон энди, уйғон, сен борсан,
Сен хур диёр – Ўзбекистонсан!

Шеърнинг ҳар бир қисми тугал ҳолат ва фикрни ифодалаяпти. Тупрок, армон, йил ва эрк образлари зиммасига юклатилган бадиий фикр юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини буткул янгича талқин этади. Китобхон кўз ўнгидаги ватан ўтмиши ростланади. Мудраб ётган ғофилларни уйғотиш учун сафарбарликка отланмаган сўз – “шоирларнинг буюк гуноҳи”дир. Ёшларимизда энг юксак ахлоқ белгиси – ватанпарварликни шакллантиришда “Ўзбекистон” каби шеърларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir:

Мангуберди каби мард бўл сен,
Мардлар асло ғафлатни билмас.
Жасур бўлгил, ёвқур эл сари
Ғанимлар ҳам ҳеч йўлай олмас.
Сен Темурхон қолдирган шонсан,
Турон қалби Ўзбекистонсан!

Бу ўтли мисралар қалбимизда бир томондан оғриқ ва армон уйғотса, иккинчи томондан ифтихор ва ғурур туйғусини ҳам оловлантиради. Биз она тупроғимизда ноҳақ тўкилган қонларнинг рухиятини қалбан ҳис қиласиз. Тарихнинг чанг босган саҳифаларини ўқир эканмиз, ўзбек халқи келажакда албатта Улугбекдай юлдуз қучишига ишонамиз. Бунинг учун шоир айтганидек, ҳак сўз ҳамиша уйғоқ, курашга шай, ғанимларга бешафқат, жасур ва ёвқур бўлиши шарт. Натижада лирик шеър мазмуни янада чуқур моҳият, фалсафий теранлик касб этади. Халқнинг асрий орзулари осонлик билан ушалгани йўқ.

Фақат айтгил шоирларингга
Сотмасинлар улар иймонин.
Чўлпонлардай бағрига босиб
Улугласин Ватаннинг номин.
Асрий орзу ушалган онсан,
Сен озодсан, Ўзбекистонсан!

Озодлик ва эркнинг қадри кўнгил ободлиги, мамлакатнинг фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтмишдаги армон ва қайғулар ёруғ орзуларга айланган кунларнинг шукуҳи ҳам бетакор. Ватаннинг номини улуғлаш учун унга муносаб бўлиш керак. “Муборак унвон” шеърида шоир бу туйғуларни шундай ифодалайди:

Дунё асли бобонг чироқ ёқкан уй,
Самоларга қўзлаб қўйғин нарвонни.
Шарқ зиёси Farb жомига оққан куй,
Эслатиб қўй бобонг сурган давронни

Дунё тамаддунининг тамал тошини қўйган буюк алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг меросини ўрганиш жараёнида ёшларимиз янги кашфиётларга қўл урмоқда.”Оққан дарё оқаверади” деган халқ мақолини жаҳон ҳамжамиятининг ёдига солмоқда. Эрк ва озодлик ўзбек ёшларига шундай катта имкониятлар эшигини очмоқда. Шоир айтганидек:

Нурни тўсган зулматлар ҳам чекинди,
Ҳақ иноят этди кутлуғ имконни.
“Ўзбекистон – озод ва обод диёр!”
Асра энди бу муборак унвонни!

Ички қудрат билан қаддини тиклаётган она юртга меҳр ва садоқат туйғулари билан ёғдуланган сатрлар халқнинг маънавий мулкига айланади. Бу меҳр ёғдуси таниқли шоир Минҳожиддин Мирзонинг Ватан ҳақидаги барча асарларини нурга чулғаб туради. Энг муҳими, бу ёғду ҳар бир шеърда ўзгача ранг ва оҳангда товланади. Бу оҳангни китобхон қалбига шоир юрагининг зиёсидан, эътиқодидан, ватанга муҳаббатидан нурланган сехрли сўзлар олиб киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
2. Саримсоқов Б. Ўзбек адабий танқиди: антология. – Т. 2011.
3. Мирзо М.Гуллаш пайти келди, боғларим.Т.2015.